

АХДЛАШУВЛАР САМАРАСИ

ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ БОБУР СОБИРОВ).

“Интерконтинентал” меҳмонхонасида “Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш: тажриба ва натижалар” мавзюда халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ҳамда Россия ишбилармон доиралари, банк ва кредит муассасалари, ҳўжалик масалалари бўйича суд органлари вакиллари, корхона ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Мақсур анжуман Ўзбекистон ва Россия Президентларининг ўтган йил августда Самарқандда ҳамда шу йил апрель ойда Москвада ўтган учрашувларида эришилган

ахдлашувлар самараси эканлиги алоҳида таъкидланди.


Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М. Аскарлов ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари Х.Исломхўжаев мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, соҳа вакилларининг эркин фаолият юритиши учун кенг шароит ва имкониятлар яратилганини таъкидлади. Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга оид етмишдан ортиқ қонун, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

ни бунинг ёрқин далилидир.

Ҳозир Россияда ўзбекистонлик ишбилармонлар иштирокида тузилган бир юз олти мишдан ортиқ кўшма корхона фаолият юритмоқда. Ўзбекистонда эса россиялик бизнесменлар иштирокида 328 кўшма корхона рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясидаги кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўртасидаги минтақаларaro ҳамкорликни ривожлантиришга оид меморандум қабул қилинди.

Конференцияда Россиянинг мамлакатимиздаги Факултода ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин иштирок этди.



Алижон Аҳмедов бундан роппа-роса ўн йил бурун 42 гектар ер олиб Қўрғонтепа туманида «Оқсув» фермер хўжалигини очган эди. У фаолият аввалидаёқ деҳқонликда навага, чорвачиликда наслга эътибор қаратди. Шу боис хўжаликда йил сайин экинлар ҳосилдорлиги кўтарилиб, даромад салмоғи ошиб борди. Масалан, биринчи 2003 йилда 330 тонна дон, 224 тонна пахта, 110 тонна сўт ишлаб чиқарилди. Айтганча, сўт чет эл сармояси ҳисобига бунёд этилган корхонада қайта ишланиб, ундан олинган 76 тонна сарғе, пишлоқ, творос истеъмолчиларга жўнатилади.

СУРАТДА: хўжалик раҳбари, Олий Мажлиси депутати Алижон Аҳмедов тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.

Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**

Х.У.Фуллом (Ҳамид Фулом)ни “Меҳнат шўхрати” ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Қўп йиллик самарали ижодий меҳнати, Ўзбек адобиёти ва маданиятини ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолияти учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Убайдуллоевич Фуломов (Ҳамид Фулом) “Меҳнат шўхрати” ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 26 апрель.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якуновчи ййгилиши 26 апрель кунини бўлиб ўтди. Ййгилишни ишчи гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров олиб борди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Ййгилишда кичик гуруҳлар раҳбарларининг иккинчи чақириқ парламентнинг ўн тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сессия муҳокамага киритилмаган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга ўз вақтида юборилганлиги маълумоти учун қабул қилинди. Сиёсий партияларнинг депутатлар фракцияларидан, депутатлар блоклари ва сайловчилардан, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларидан қатор таклифлар тўшди.

кама қилиниши адолатли демократик давлат барпо этиш, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

Қонун ҳужжатлари лойиҳалари устида олиб борилаётган ишларни давом эттириш, тушаётган таклифлар ва фирк-мулоҳазаларни диққат билан ўрганиш, парламентнинг самарали иши олиб боришини таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш зарурлиги ўқтириб ўтилди. Ййгилишда тегишли хизмат бўлиmlаларнинг ахбороти ҳам тингланди.

Бу таклифлар Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларида диққат билан ўрганилиб, ҳужжатларни маромига етказишда ҳисобга олинди. Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссиялари, ишчи гуруҳларининг сессияга тайёргарлик давридаги фаолияти оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиши талаб қилинди. Депутатларга сессия иши давомида ташкилий-техникавий хизмат кўрсатиш, улар учун зарур шaroитлар яратиш масалалари хал этилди.

Парламент сессияси иши тўғрисида жамоатчиликни янада муфассалроқ ва тезкорлик билан хабардор этиш мақсадида аккредитация қилинган журналистлар учун матбуот маркази ташкил этилди. Марказ оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам корлашди.

Ййгилишда таъкидланганидек, мамлакат Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижросининг ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятимизни янада эркинлаштириш билан боғлиқ қонун лойиҳаларининг сессияда муҳо-

камат бўлиб боришдан, ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга мунтазам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш имкониятлари излаб топилмоқда.

Сўзга чиққанлар олий таълим тизимида оғоҳлик ва ҳўшёрликни янада мустаҳкамлашга доир ўз фирк-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, бир қатор фойдали таклиф ва истақларни ўртага ташладилар.

Депутатлар ишчи гуруҳи ййгилишининг иштирокида амалга оширилган тайёргарлик ишлари иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясини сиёсий, профессионал ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказишга қўмақлашди, деб ишонч билдирдилар.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 2004 йил 29 апрель кунини эралаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 апрель кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисида 27 апрель кунини соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси ва “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияларининг ййгилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ййгилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 27 апрель кунини соат 16.00 да бўлади.

Олий Мажлисида 28 апрель кунини соат 15.00 да “Адолат” Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлиси депутатлари блоқи ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлиси депутатлари блоқи ййгилишлари ўтказилади.

Муҳтарам муштарийлар!

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обуна давом этаётганлигини эслашдан ҳолда тахрират Сизнинг манфаатларингизни назарда тутиб янги имтиёзни жорий этмоқда. Шу йил иккинчи ярим йиллик обуна нархи 25 фоизга арзонлаштирилди! Обуна бўлишига ишонинг!

(Давоми 2-бетда).

Ёшлар сезгир ва ҳўшёр

Тошкент давлат иқтисодий университетининг мажлислар залида республика олий таълим муассасалари проректорлари ва деканлари иштирокида талабалар орасида таълим-тарбиявий ишларни кўчатириш чора-тадбирларига бағишланган ййгилиши бўлиб ўтди.

Унда шу йилнинг дениеси учун берган махсус интервьюсида қўйилган масалалар ва унда белгиланган вазифалар олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлари ва ишчи ходимлари даврасида атрофича ўрганилганлиги ва шу асосда ҳар бир олий ўқув юртида зарур чора-тадбирлар белгиланганлиги ҳақида гапирди. Оғоҳликни кўчатириш учун олий таълим муассасалари бироналарида ва талабалар уйларида мунтазам на-

вбатчилик ташкил этилган. Хусусий хонадонларда яшовчи талабаларнинг яшаш тарзи ўрганилган, уларнинг тарбияси тўғрисида хонадон эгалари билан суҳбатлар олиб боришган. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга мунтазам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш имкониятлари излаб топилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фуломов ўз сўзида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 29 март кунини Ўзбекистон теле-

дениеси учун берган махсус интервьюсида қўйилган масалалар ва унда белгиланган вазифалар олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлари ва ишчи ходимлари даврасида атрофича ўрганилганлиги ва шу асосда ҳар бир олий ўқув юртида зарур чора-тадбирлар белгиланганлиги ҳақида гапирди.

Қарз олишдан мақсад нима?

Ўтган йили республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори икки, уч баравар ортган. Корхоналарнинг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг ҳиссаси ҳам 2002 йилга нисбатан 57 фоиздан 63 фоизга кўпайган.

Хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришнинг умумий миқдори эса 602,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган. Тўғридан-тўғри киритилаётган чет эл сармоялари ва кредитлар қарийб 1,6 марта ошган. Натижада иқтисодийнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим тармоқларида анчагина йирик лойиҳалар амалга оширилган.

Хўш, бу борада Қашқадарё вилоятида ахвол қандай? Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш ишлари қай ҳолатда? Ана шундай савол билан дастлаб вилоят «Тадбиркорбанк» бошқаруви раиси Норсафар Мусурова муурожаат қилди.

— Ўтган йили банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 1395469 миң сўм кредит ажратди, — дейди у, — Ҳолбуки режа бўйича 1368000 миң сўм бўлиши керак эди. Нобуджет фонд кредит линиялари ҳисобидан, жумладан, «Бизнесфонд» жамғармаси ҳисобидан 26250 миң сўм имтиёзли кредит ва 46650 миң сўм бошланғич сармоя учун ажратилган.

Тахлил

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан имтиёзли кредитлар жам-

гармаси ташкил этилган. Ўтган йили 23 миңога 35962 миң сўмлик ана шундай кредит бердик.

2004 йилда ўз маблағимиз ҳисобидан кичик ва хусусий бизнес субъектларига 1410000 миң сўм кредит ажратишни режалаштирганимиз.

Давлат мулки қўмитасининг вилоят бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ж. Кўчаров берган маълумотга кўра, 2003 йил давомида вилоят бўйича тадбиркорлик субъектларига 11859 миллион сўмлик кредит ажратилган.

— Хўш, кредитлар эвазига қандай лойиҳалар амалга оширилди? — сўраймиз ундан.

— Ўтган йили тижорат банклари томонидан 2 та инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди. Жумладан, Яқкабоғ туманидаги «Яқкабоғтекс» кўшма корхонасига ип-калага ишлаб чиқариш учун 5045,1 миллион евро,

Сайлов қонунчилигига бағишланди

Маълумки, жорий йил нийоҳисада Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига, келаси йил бошида Олий Мажлис Сенатига сайловлар бўлиб ўтади. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти шу муносабат билан хайрли бир ишга қўл урди.

Сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш мақсадида республика миқёсида қатор тадбирлар ўтказишга киришди.

Уларнинг дастлабкилари партия қурилиши ва сайлов технологиялари бағишланган. Ўтган шабаба кунини ўша тиривиланган ташаббускор гуруҳлари: тахрирбалар, муаммолар ва ечимлар» деб номланди. У институтнинг «Парламентаризм ва сайлов тизими муаммоларини ўрганиш» лойиҳаси асосида ташкил этилди. Шунга кўра, асосий эътибор сайлов қонунчилигининг сайловчилар ташаббускор гуруҳига тааллуқли қисми тарғиботига қаратилди.

Семинар-тренингга «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг марказий бошқаруви ва вилоятлардаги бўлинулари, Фуқаролик фиркинни ўрганиш институти филиаллари ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф қилинди.

Тадбир олдидан уларга замонавий сайлов технологияларига оид услубий қўлланмалар тарқатилди. Тренингда бўлажак сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларини рўйхатга олиш, уларнинг сайловда голиб чиқишининг асосий омиллари, сайловолди тадбирларни ўтказиш босқичлари, сайлов кампанияси штабнинг сайловолди фаолияти хусусида сўз юритилди. Депутатликка номзодларни илғари сурши ҳуқуқи, уларга қўйиладиган талаблар, оммавий ахборот воситаларининг бу жараёндаги ўрни тўғрисида фикрлар билдирилди. Шунингдек, сайловни ўтказишда энг кўп такрорланадиган хатолар таҳлил этилди.

Семинар-тренингнинг охири босқичида депутатликка номзод ишончли вакилининг сайловдаги иштироки масаласи кўриб чиқилди. «Ўзбекистонда 2004 йил сайловлари» деб номланган ўйин воситасида ҳар бир иштирокчиға омма олдидан уч дақиқалик «сайловолди нутқи» билан сўзга чиқиш имкони берилди.

Тадбир якунида қатнашчиларга сертификатлар тақдим этилди.

Абдунаби ХАЙДАРОВ,
“Халқ сўзи” муҳбири.

Ижтимоий ХИМОЯ

Фахрийларга — чипта, болаларга — компьютер

“Жизаатранс” йўловчи ва юк ташини уошмаси ҳамда “ЎзЭкспидтранс” корхонаси Меҳр ва муруват йилида ёлғиз қарияларга ўзига хос ёрдам уюштирди. Вилоятдаги 800 нафарга яқин отахон ва онахонларга шаҳар ва туманларaro йўналишларда қатнайдиган транспортларда bepул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар тарқатилди. Нуронийлар йил давомида вилоятнинг истаган ҳудудига ҳеч қандай муаммоларсиз бориб келишлари мумкин.

Вилоят бошхоначилари эса Жиззаҳдаги интернет-мактабига компьютер, меҳрибонлик уйига 450 миңг сўмлик кийим-кечак ҳадя этишди. Болалар муассасаларида ана шундай тадбирлар йил давомида ўтказилиши кўзда тутилган.

Б. САТОРОВ,
“Халқ сўзи” муҳбири.

Хатирчада Меҳр-муруват боғи

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида бунёд этилаётган боғ “Меҳр ва муруват боғи” деб аталадиган бўлди. Халқаро Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлимини раиси, шифокор Сайдулла Қобилов ташаббуси билан бунёд этилаётган боғқа 5 гектар жой ажратилди. Сайдулло ака 500 миңг сўмга мевали ва манзарали дарахт қўчатлари сотиб олди. Ҳақиқилолар ҳам қараб туришгани йўқ. Буш вақт топилади дегунча улар боғ атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошираётди. Қелгусида бу ерда оталар чойхонаси қуриш ҳам кўзда тутилган.

Б. САДРИДИНОВ.

Қариялар ибрати

Оқдарё туманидаги Янгиқўрғон қишлоқ фуқаролар ййғини фаоллари ташаббус билан чиқилди. Унга кўра Фуқаролар ййғини ҳудудда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ва нигронларга ўзига тўқ хонадонлар доимий равишда ёрдам берадиган бўлиши, — дея хабар беради “Туркистон-пресс” муҳбири М. Акрамов.

Қишлоқнинг тиниб-тинибмас қариялари шу кунларда 2,5 гектар майдонда хашар йўли билан спорт уйингоҳи бунёд этилаётди.



Хабарингиз бор, мамлакатимиз парламенти нинг навбатдаги сессиясида депутатларимиз муҳокамасига «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда киритилди. Мазкур қонун лойиҳасига кенг жамоатчилик томонидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилган. Фуқаролар йиғини раиси бўлганим боис ҳам мен бу қонун лойиҳасини синчковлик билан ўқиб чиқдим.

Фикр аниқ, тил равон бўлса...

Шу жараёнда баъзи фикр ва тақлифлар туғилди. Мисол учун, қонун лойиҳасининг 13-модда, иккинчи бандидаги «намонандлар» сўзини олайлик. Назаримда, бу сўз фикрни аниқ ифодадай олмаётгандек. Чунки аҳоли турар жойларида у ердаги шарт-шароитларга, муносабатларга кўпроқ аралашадиган кишилар номояндлар эмас, балки аҳоли фаолларидир. Шунинг учун бу сўз ўрнига «фаолларни» келтириш тўғри бўлар эди.

Аёни, қонунчиликда аниқлик жуда зарур. Шу талаб билан қараганимизда, лойиҳанинг 25-моддасидаги иккинчи банд, менимча, тахрирлаб. Фикримча, бу бандни «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови чоғида овоз бериш ахбороти тўғрисида қўйилган қонун бўзарлик тўғрисида сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин» тарзида тахрир қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Яна бир тақлиф: 27-модданинг бешинчи бандида «такрорий сайлов кўпи билан бир ойлик мuddат ичида ўтказилди», деб кўрсатилган. Бизнингча, бу узок мuddат. Чунки биринчи сайловдаёқ сайловчиларнинг номзодлари ҳақидаги фикри шаклланган бўлади. Масалая шу жиҳатдан ёндашиш, бу мuddатни «ўпи билан 15 кун» қилиб белгилаш мақбул, деб ҳисоблайман.

Рустам СУЛТОНОВ,
Урганч шаҳридаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Олий Мажлис XIV сессияси олдидан

Ислохотларга ҳамоҳанг

Иқтисодийни ислох қилиш масалалари ва тadbиркорлик қўмитаси ўтган даврда давлатимизнинг бош стратегик мақсадларидан бири — бозор иқтисодига асосланган демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамияти асосларини изчил шакллантириш учун муштаҳам ҳуқуқий шарт-шароит яратиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, навбатдаги сессия муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилган «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан тушган тақлиф ва мулоҳазалар мутохассислар, олимлар, экспертлар ҳамда депутатлар ишчи гуруҳи томонидан диққат-эътибор билан кўриб чиқилиб, анча яшилди. Қўмита аъзолари «Айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тайёрлашда ҳам фаол иштирок этдилар.

Маълумки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, улар асосида ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Кичик бизнес субъектларига яратилган имтиёз ва енгилликлар тўғрисидаги қонунларнинг иқтисодий салоҳияти кундан-кунга юксалиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили уларнинг мамлакат яли маҳсулот ишлаб чиқаришидаги улуши 35,5 фоизни ташкил этди.

Тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, жамият ривожлангани сайин қонунлар ҳам мукаммаллашиб боради. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қўмита Тошкент «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида», «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палаталари тўғрисида», «Бож тарифи тўғрисида» ҳамда «Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларга ва бошқа қатор қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича иш олиб борилган. Шунингдек, Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясига бошқа қўмиталар томонидан киритилган ҳужжатлари муҳокамасида ҳам иштирок этиб, ўзларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Қўмита ишчи гуруҳи иккинчи сессия ораллигида жойларда бўлиб, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари фаолияти билан ҳам танишиб, ҳамда қайтарилиди. Шунингдек, ҳуқуқи паймол этилган айрим тadbиркорларнинг ҳақ-хуқуқларини тиклаш юзасидан Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳамда суд органлари муражат қилинди.

Қўмитага давлат органлари, ташкилотлар, тadbиркорлик субъектлари ҳамда фуқаролардан тушган ариза, шикоят ва тақлифлар атрофида ўрганиб чиқилиб, жавоб қайтарилди. Шунингдек, ҳуқуқи паймол этилган айрим тadbиркорларнинг ҳақ-хуқуқларини тиклаш юзасидан Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳамда суд органлари муражат қилинди.

Содиқим ХАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Довруғи довол ошган

Хали кўёш уйғонмасидан бободоҳон пахта гулли чоинакдан аччиқ чоини ичиб қадрдон баласиға ошақиди. Худди шу пайт шаҳарда кулол эса, бағрида пахта гули акс этган чоинак, пилға ва лаганлари оташдек қайнаётган ҳумдонға жойлайди. То дехқон даласидан қайтуғна қадар, черсанг жаранги атрофни тутуғчи «Тошкент пилғаси» дунё юзини кўради. Эътиборлиси, бу уйғулқининг томилари теран.

«Тошкент чини заводи» маҳсулотларини сифат даражасидан юксалтириш мақсадида технологик линияларни янгилаш, қимматбаҳо бўёқлар ва бошқа материаллари харид қилишда АКШнинг «Stenford Capital Ink» компанияси томонидан уч юз миллион сўм миқдорда сармоя киритилгани маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга қўшимча, қўшимча иш ўринларини ҳам яратди. Жамоа аҳли томонидан жорий йилнинг айти пайтига қадар 42 турда 210 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши қилинган савб-ҳаракатларини ижобий натижасидир.

СУРАТДА: бални безак лабораторияси бошлиғи Уғлой Йўлдошева (ўнгда) ва техник назорат бўлими бошлиғи Нина Пўлтова маҳсулот сифати хусусида суҳбатлашмоқда.
Мухаммад АМИН (Ўза) олган сурат.

Яхши яшаш йўллари

«Кредит уюшмаси тўғрисида»ги Қонунда ҳам ўз ифодасини топган

Иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг саккинчи сессиясида «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Унга асосан, юридик, жисмоний шахслар бундай уюшма очиши ёки унга аъзо бўлиши мумкин. Албатта, Қонунда кўрсатилганидек, уюшмага аъзо бўлувчи шахс, аввало, маълум миқдорда пулни қўйиши лозим. Бундай уюшманинг эътиборли жиҳати шундаки, бошқа молиявий тadbиркорлардан кура, уни очиш анча содда. Шунингдек, у баъзи банк хизматларини кўрсатиши билан ҳам аҳамиятлидир. Кредит портфелидаги ресурсларни қайси соҳага ва кимга ажратиш ҳайбат маҳисидида ҳал этилади. Мажлисда ҳар бир аъзонинг, ўз улушидан кўпроқ фойда олиш ниятидаги, муайян тақлифлари шахсий сармоясининг самарадорлигини таъминлашга туртки бўлади. Янама аниқроғи, уюшма аъзолари йиғилган маблағдан бир-бирига кўмаклашган ҳолда фойдаланишади. Кредит фойда уюшманинг умумий йиғилишида белгиланади. Шундан ҳам уюшма берадиган кредитнинг устама фойда тижорат банкларидан анча пастлигини аниглаш қийин эмас. Наҳаки, у аъзолари улуши ҳисобидан ташкил топган. Демак, уюшмага аъзо бўлганлар вақти келиб, олган кредити эвазига бизнес-режасини амалга ошириш имкони туғилади.

Шу ўринда дунё кредит уюшмалари тажрибаси ҳақида икки оғиз сўз. Бундай уюшмалар ривожланган давлатлар молия бозорига эллиқ йилдан бун фаолият кўрсатиб келади. Бутун жаҳон кредит уюшмалари кенгаши ташкилоти (WOCU) — экспертларнинг эътибор эътиҳана, мамлакатда ички сармоялардан самарали фойдаланиш, кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда жойларда янги иш ўринлари очилишида кредит уюшмалари мурҳим аҳамият касб этади. Яна бир жиҳати — бу каби уюшмалар қанчалик кўп бўлса, улар кредит бозориди тижорат банкларининг рақобатчилиғи ҳам айланади. Мамлакатимиз кредит бозориди молия ресурслари тақлифлиги сезилган ҳозирги пайтда тadbиркорлар бундай уюшмаларни қадрлашга шубҳа йўқ.


Бугунги кунда мамлакатимизда ўн тўртта кредит уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Улар асосан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик банк хизмати кўрсатиш, тижорат, қишлоқ хўжалиғи соҳалари, халқ истеъмолчи моллари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳамда хўнарандчиликни ривожлантиришга қатна эътибор қаратмоқдалар. Утган бир йилдан ошқ вақт кредит уюшмаларнинг аксарияти учун теталоҳ даври бўлди. Улар шу вақт ичида фаолият кўрсатиш учун асқотадиган маблағ туллалар. Берган кредитлари ҳисобидан эса фойда ола бошладилар. Эндиликда умумий активларини янада оширишга, ишлаб чиқаришнинг қисқа мuddатда самара берувчи секторларига йўналтиришга интилоқдалар.

Савол туғилади: «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонун ижроси қандай кенаяпти? Улар олдиди муаммолар пайдо бўлмаганми? Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари ҳамда Иқтисодийни ислох қилиш ва тadbиркорлик масалалари қўмиталари Қонуннинг Бухоро вилоятидаги ижросини ўрганганида бу борадаги ишлар бирмунча ойдинлашди. Ҳозирча вилоятда иккита — «Бухоро тadbиркори» ва «Умид» — кредит уюшмаси ташкил этилган. Улар ўз сафларига 1500 дан зиёд аъзони бирлаштирган. Қисқа вақт мобайнида бу икки молиявий ташкилотнинг умумий активлари 140 миллион сўмдан ошди. Утган йилнинг ўн ойи мобайнида 120 миллион сўм кредит берганидан ҳам улар молия бозориди ўз урнини топишга интилаётганини аниглаш мумкин. Ана шу кредитлар ҳисобида вилоятда 500 дан ортқ янги иш ўрни очилди. Дастмояси қилмиғидан фаолият доирасини кенгайтиришга қийналган тadbиркорлар уюшмага аъзо бўлгани сабабли кредит олиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотни ҳажминини оширишмоқдалар. Қимлардир аввалдан жамгарган маблағи ҳисобида тadbиркорликни бемалол йўлга қўяди. Лекин айримлар фаолият бошлашда маблағдан қийналиши бор гап. Масалан, Гиждувон туманидаги Наматқон қишлоғилик Людмила Байманованинг тadbиркорлиги билан шуғулланадиган иштинки ба-ланд эди. Бирок маблағи етарли эмаслиғи бунга имкон бермасди. Қаранки, у «Умид» кредит уюшмасига аъзо бўлган, бир йилдан ошқроқ вақт ичида уч марта кредит олди. Ҳар бири 500 миғ сўмдан бўлган бу кредит маблағи ҳисобида хўнарандчилик билан шуғуллана бошлади. Ҳозирги пайтда омикорлик билан иш тутиб, мумай даромад олиб келмоқда. Эки бўлмас, Бухоро туманидаги «Маданият» ширкат хўжалиғида яшовчи Марзия Бафоевани олайлик. У ҳам бир йилдан эвдиброқ вақт мобайнида уч марта кредит олишга муваффақ бўлди. Эвазига ховлисиди иссиқхона дехқончилигини йўлга қўйди. Эндиликда оиласининг яхши турмуш кеçириш манбаини топганидан мамун.

Парламент назорати

Тарғибот ишлари олиб борилиши зарур деган ҳулосага келди. Шунинг учун вилоятда айни соҳада ташаббускор гуруҳларга кўмаклаштириш юзасидан аниқ таъясилар берилди. Қонун ижросини ўрганиш жараёнида ҳар иқкала уюшма аъзолари асосан вилоятнинг чекка қишлоқларида эканлиғи ҳам айёлашди. Бу ҳол туманларда уюшмаларнинг филиалларини очиш мақсадида мувофиқлигини кўрсатади. Мамлакат парламентини қонун таллабидан келиб чиқиб кредит уюшмалари учун ҳуқуқий замин яратиш ҳаракатида булган бир пайтда ҳуқуқимиз ҳам бундай уюшмаларни рағбатлантиришга қатна эътибор қаратмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 11 августда «Осиё Тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва микро молиялаштиришни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди. У кредит уюшмаларнинг бўшаб қоладиган маблағлари ҳисобидан умумий активларини қўпайтиришнинг назарда тутати. Шунингдек, тегишли қарорга асосан, кредит уюшмалари 2006 йилнинг 1 январига қадар даромад солиғидан озод қилинган.

Худойберди ЭШМАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Қарз олишдан мақсад нима?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яна бир савол. Вилоятда яли ишлаб чиқарилган маҳсулотларда тadbиркорлик субъектларининг улуши қанча? 2001 йилда 30,3, 2002 йилда 33,7, ўтган йили 34,9 фоиз. Бу йил 37,5 фоизга етказилиши кезрак.

Якка тadbиркорлар улуши бундан ҳам оз. 2001 йилда 18,1, 2002 йилда 18,1, ўтган йили 18,9 фоиз. Бу йил 12 фоиз бўлиши кутилмоқда. Нега? Ваҳоланки якка тadbиркорлар сони 2001 йилда 14294 нафар, 2002 йилда 16278 нафар бўлган бўлса, ўтган йилга келиб 12874 тага тушиб қолган ва уларнинг 7665 нафари фаолият кўрсатган ҳолос.

2001 йилда 3032 та, 2002 йилда 7875 та, ўтган йили 7523 та янги корхона ташкил этилди. Бу йил эса улар сони 8 миғга етади. Яратилган янги иш ўринлари 2001 йилда 49218, 2002 йилда 40466, ўтган йили 43850 тани ташкил этди. Бу йил 37407 та бўлиши кутилапти. Умуман, кичик бизнес корхоналарида 2001 йилда 81722, 2002 йилда 103400, ўтган йили 93200 киши иш билан банд бўлган.

Бу рақамлардан келиб чиқиб, табиий бир савол туғилади. Вилоятда кичик бизнес ҳамда хусусий тadbиркорлик субъектлари кредит ва инвестиция кредитидан қандай фойдаланмоқда ва у қандай самара бермоқда? Ажратилган кредитлар етарлими, улар бугунги ва эртанги эҳтиёжини қандира оладими?

Бу саволларга марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Файрат Жовлиев шундай жавоб қайтарди:

«Ҳақон тажрибасидан яхши маълумки, ривожланган мамлакатлар иқтисодийнинг асосий тарқибини кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ташкил этади. Шунинг учун ўтган давр мобайнида вилоятимизда кичик бизнесни ва хусусий тadbиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, кредитлаш муносабатлари салоҳияти

оширилди. Чунки кредит амалдаги хўжалик субъектларининг айланма фондлари доимийлигини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш жараёни барқарорлигини таъминлашнинг зарур шarti ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни, дехқон ва фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2002 йилда 10527 миллион сўм, ўтган йилда 11859 миллион сўм кредитлар ажратилди.

Утган йили кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг 9850,1 миллион сўми тижорат банкларининг ўз маблағлари, 2008,9 миллион сўми эса бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Шу йил 1 январь ҳолатида вилоятимиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит қўйималари қолдиғи 17367,3 миллион сўми ташкил этди. Умуман, ўтган йили тadbиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг 2380,6 миллион сўми 674 та лойиҳа бўйича ажратилган микрокредитлардир. 168 та лойиҳага 1124,6 миллион сўм миқдориди имтиёзли кредитлар ажратилган.

Утган йили «Асакабанк» вилоят бўлимида «Commerzbank» (Германия) кредит линияси орқали ЭАУС «Яккабоғтекс» (Ўзбекистон-Германия) қўшма корхонасининг умумий қиймати 7368746 евро миқдориди бўлган қалава ип ва пряжа ишлаб чиқариш бора-сидига экспортга йўналтирилган лойиҳаси молиялаштирилди.

Кредит маблағлари «Текспроект» (Германия) компаниясидан қалава ип йиғирув ускуналари линияси сотиб олишга йўналтирилди. Ушбу лойиҳа тулик амалга оширилиши билан корхонада 98 та янги иш ўрни яратилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинади. Қўшма корхона шу йилнинг иккинчи чоғида тулик ишга туширилиши режалаштирилган.

Нашрлар — рангли ва сифатли

Бугунга келиб Нукус матбаа корхонасида чоп этилаётган қўллаб-қувватлаш газети, журнал, китоб, буклет ва бошқа турдаги босма маҳсулотлар хариддорларга манзур бўлмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати ва Германиянинг «Пейделберг» фирмаси ўртасида ўрнатилган икки тарафлама манфаатли ҳамкорлик туфайли қорақалпоғистонлик матбаачилар ҳам ноширчиликнинг замонавий технологияларга эга бўлишди. Пировардиди, рангли ва сифатли босма нашрлар ўқувчиларга манзур бўлмоқда.

СУРАТДА: мазкур матбаа корхонаси оператори Жамолдин Аматов иш устида.
Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Бундан ташқари, «Галлабанк» вилоят бўлими томонидан Халқор тикланиш ва тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан «Қишлоқ хўжалиғи корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Нишон туманидаги «Ш. Йўлдошев», «Р. Қобиллов» ва «Дўстлик» фермер хўжалиқларига ўтган йили 37,7 миғ АКШ доллари миқдориди, «Пахтабанк» вилоят бўлими томонидан эса Халқор тикланиш ва тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 12 та лойиҳа бўйича 163,1 миғ АКШ доллари миқдориди кредит ажратилди.

Шу йилнинг бошига келиб тижорат банклари томонидан хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредит қўйималари қолдиғи 17,4 миллион сўми ташкил қилди. Бу утган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баравар кўп демакдир.

Авалли йилларга таққослаганда ўсиш бор. Марказий банк вилоят бош бошқармаси, акционерлик тижорат банклари раҳбарияти бу борада ҳақ. Бирок умуман кредит ажратиш ва шу орқали лойиҳаларни амалга ошириш қонқарлими? Ҳозирги ҳолат билан қаноатланса бўладими? Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, аввало лойиҳаларнинг ўзи жуда кам. Уларнинг озлиғида сабаб нима? Балки тақдим этилаётган лойиҳаларнинг молиялаштирилиши чўзилиб кетаятирлиги бунга сабаб бўлаётгандир? Нега тўғридан-тўғри, янги ҳукумат қарақалпоғистон хорижий инвестиция ва кредитларни жалб этиш мумкин эмас? Ҳулос, бу соҳада хали талай муаммолар бор. Уларни ҳал этиш учун Марказий банк вилоят бош бошқармаси, акционерлик тижорат банклари вилоят бўлимидаги му-тасаддилари кўп иш қилишлари керак бўлади. Шунда қашқадарё вилоятиди кичик ва хусусий тadbиркорлик субъектлари гуллаб-яшнади. Бундан эса ҳамма манфаатдор бўлади. Кредит ажратилишдан мақсад ҳам шу эмасми, аслида?!

Нарзулла РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 27 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўйишдаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	733,53	1 Исвадния кронаси	13,61	1000 Туркия лираси	0,73
1 Анжана фунг стерлинги	1781,92	1 Канада доллари	739,01	1 Швейцария франки	761,10
1 Дания кронаси	159,25	1 Ҳитой юани	121,54	1 ЕВРО	1184,49
1 БАА дирхами	273,89	1 Малайзия рингити	264,76	10 Жапоний Корей воини	8,73
1 АКШ доллари	1005,94	1 Польша злотийси	250,86	10 Япония иенаси	92,31
1 Миср фунги	163,30	1 СДР	1460,22	1 Россия рубли	34,73
				1 Украина гривнаси	188,77

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Журналист касбини ўзгартиради

Тўртта одам йиғилса, тирикчилик илинжида юрган тадбиркору савдогарлардан ҳам «умидворлар», уларни ҳуда-бехуда овора қилаётганлар ҳақида гапиради. Ушбу фикрлар тўғри ёки нотўғрилиги бизни ҳам қизиқтириб қолди. Тақлиф билан Бош муҳаррирга кирдик. Мақсадимиз — «бир думалаб» савдо-сотиқ билан шуғулланувчи «тадбиркор»га айланиш ва миш-мишларни ўзимизда синаб кўриш эди. Шу ниятда Фарғона водийси сари хизмат сафарига отландик.

...Соч-соқли ўсган икки «тадбиркор», яъни биз Кўкон киём-кечак улгуржи бозорига кириб келганимизда олувчию сотувчининг қўли-қўлига тегмасди. Савдогарлик тажрибасини шу бозорда ортириш учун расталарни айландик. Ҳамма нарса бисёр эди. Лекин аввалига молларнинг қай бири харидорга эканлигини билмасдик. Бошимиз қотиб турган маҳалимиз шундоққина ёнимизга бир «Дамас» келиб тўхтади.

САФАРДАГИ ХАНГОМАЛАР

Ичи тўла юк экан. Эшиги очилиб-очилмай, харидор босиб кетса бўладими. Бу мато Андижонда ишлаб чиқарилиган майка жуфтлиги экан. Қарасак, тадбиркорлар, шекилли, бойлам-бойлам олишар-пти. Демак, харидор-боп. Шу боис биз ҳам кўтара нарҳа — хар бирини 200 сўмданга, наздимизда,

«қудадарсон»га эллик донга майка сотиб олдик. Ишимиздан кўнглимизда кун пешиндан оққан эди.

Ширин хаёл яхши-да. У бизнинг миёда ҳам чарх айланиб, эртага тушадиган даромад ҳақида ўйлашга ундирди.

Тонгда чала-чулла нонушта қилдик. Сўнг «Қайдасан, бозор!» дея йўлга тушдик. Сумқада кеча олинган майкалар. Ушбу мато устига характеристикани кўшиш — асосий мақсадимиз эди. Чунки кеча нарх-ишчанми. Йўл пули, даромад қилиш дегани бор.

Бизнинг матодан кўтариб, «Ака, майканинг комплекти бор», деб юрган қиздан мўлжал учун секин баҳосини сўрадик. Тушум бўлиши наҳд экан. Кейин ўша нархни айтиб, «Яхши майка бор», дея Кўкон бозорини иккинчи айландик. Минг афсуски, бақирганимиз, ёғимизнинг ортигани қолди. Бирор инсон лоғал кўнгли учун нархини сўрамади. Қайтанга ажабланиб қараб қўйишди. Шундан кейин журналистлигимиз тўғиб кетди. Савдони йиғиштириб, бизга хайрон қолишарганликларни сабабини ўргандик ва уялиб кетдик. Чунки бозорда биздан бошқа майка сотадиганларнинг ҳаммаси хотин-қизлар экан. Лекин улгуржи бозорда майканинг харидорлари эркаклар эди...

Иш юришмаганидан елка қисиб, ортага қайтдик. Ювиниб-тараниб аламимиздан биттадан «комплект»ни қийиб олдик. Саевил қолурлар жуда аломат экан. Эрталабча устимиздаги 54-размерли майка тортилиб, 46-размерга ўшар қолдиби.

Бу кўнглисизликдан иккимизнинг ҳам таъбимиз хира тортса-да, руҳимиз унчалик тушиб кетмади. Маслаҳатни бир жойга қўйиб, қўшни Қирғизистон Республикасининг «Корасув» бозорига борадиган, ул-бул харид қиладиган, «банкрот»лик ўрнини қопламакча астойдил қиришадиган бўлдик. Баҳонада йўл ҳаракати

хавфсизлиги хизмати ходимларининг хушёрлигини ҳам ўрганиб кўришга аҳд қилдик.

Дарвешнинг йўлини тўғри қилади, деганлари рост экан. Бозорга боришга машина ёлладик. Хайдовчи ҳам тартиббузарликка мойил чикса, денг. Хуллас, машина уқасининг номиди, ишончнома мuddати ўтиб кетган қирақаш ақамиз — Аҳмаджон Журдав оёғимиз остидан чикди. Кўкондан Андижон томон юрдик.

уринишларимиз зое кетди.

— Хужжатларимиз йўқ, аммо бозорга ўтишимиз керак, — дедик дарвоза олдида турган чегарачи йигитга.

— Хужжатларинг бўлмаса ўтиш мумкин эмас! Аскарнинг катъийлигини синаш мақсадида яна илмоқли савол ташладик:

— Бирор йўлини қилинг, ука, узокдан келганмиз. Тўйимиз бор эди...

Ёнимизга яна бир йўловчи — «губок» ҳам олводдик. Биз ўтирган «Жигули» «Қайдасан, Қорасув!» дея йўлга чикди.

Йўлда бизни ҳеч ким тўхтатмади. Хайдовчи белгиланган тартибга нисбатан тезликни ортириб ҳам кўрди. «Полса»нинг устидан юрди. Барибир, ҳеч нарса ўзгармади. Разам солсак, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари юки бор машиналарни тўхтатар, юқсонани текширишар экан. Бу ҳолат энди бозорга бораётган, сўмқаси бўш «тадбиркорлар» — бизнинг иззат нафсимизга «тегди». Хайдовчидан Андижон шаҳрига кирaversишдаги 30-йўл-патрул хизмати пости олдида атайлаб қоидани бузишни сўрадик. У айтганимизни қилди. Қандайдир машини айтиб, «Яхши майка бор», дея Кўкон бозорини иккинчи айландик. Минг афсуски, бақирганимиз, ёғимизнинг ортигани қолди. Бирор инсон лоғал кўнгли учун нархини сўрамади. Қайтанга ажабланиб қараб қўйишди. Шундан кейин журналистлигимиз тўғиб кетди. Савдони йиғиштириб, бизга хайрон қолишарганликларни сабабини ўргандик ва уялиб кетдик. Чунки бозорда биздан бошқа майка сотадиганларнинг ҳаммаси хотин-қизлар экан. Лекин улгуржи бозорда майканинг харидорлари эркаклар эди...

Иш юришмаганидан елка қисиб, ортага қайтдик. Ювиниб-тараниб аламимиздан биттадан «комплект»ни қийиб олдик. Саевил қолурлар жуда аломат экан. Эрталабча устимиздаги 54-размерли майка тортилиб, 46-размерга ўшар қолдиби.

Бу кўнглисизликдан иккимизнинг ҳам таъбимиз хира тортса-да, руҳимиз унчалик тушиб кетмади. Маслаҳатни бир жойга қўйиб, қўшни Қирғизистон Республикасининг «Корасув» бозорига борадиган, ул-бул харид қиладиган, «банкрот»лик ўрнини қопламакча астойдил қиришадиган бўлдик. Баҳонада йўл ҳаракати

Унга гапимиз ёқмади, шекилли, кескин жавоб берди:

— Илоҳи йўқ!

Уқувсизлигимиз яна панд берганини билдик. Бирок, худди ер остидан чиккандек онда-сонда кўни-кўнжи тўлган, семиз сумқали беш-ўн одам пайдо бўлади-ю, яна сокинлик бошланади.

Йўл ёпиқ бўлса, қоп орқалаганлар қаердан келиб қолаётганга фаҳимизиз ётмай, «шлагбаум» ёнида кўп ўралашдик чоғи, биз аллақачон эътибор берганимиз, «Булар нима қиларкан бу ерда?» — бизнинг иззат нафсимизга «тегди». Хайдовчидан Андижон шаҳрига кирaversишдаги 30-йўл-патрул хизмати пости олдида атайлаб қоидани бузишни сўрадик. У айтганимизни қилди. Қандайдир машини айтиб, «Яхши майка бор», дея Кўкон бозорини иккинчи айландик. Минг афсуски, бақирганимиз, ёғимизнинг ортигани қолди. Бирор инсон лоғал кўнгли учун нархини сўрамади. Қайтанга ажабланиб қараб қўйишди. Шундан кейин журналистлигимиз тўғиб кетди. Савдони йиғиштириб, бизга хайрон қолишарганликларни сабабини ўргандик ва уялиб кетдик. Чунки бозорда биздан бошқа майка сотадиганларнинг ҳаммаси хотин-қизлар экан. Лекин улгуржи бозорда майканинг харидорлари эркаклар эди...

— Тўрт минг сўм берсаларинг, чегарадан ўтказиб, яна қайтариб олиб келиб қўяман.

Боладаги дадиллик аввалига жиндайдир гапирганимиз келтирди. Сабаби — шу мушдай бола «гарантия» бериб турса, энангиз қотмайди? Бир ёқда чегарачилар, рўпарада ҳалол-покиза божоначилару бир мишиқи катта гапиргани хаммамиян ўйланганди-да. Лекин таваққал қилиб боланинг ортидан эргашдик. Шунда билдикки, божона ва чегара масқасининг шундоққина биқинида ховлилар бўлиб, у аллақачон карвонсаройга айланиб бўлган, ҳалиги бола қонунбузарликда кўзи қотган, аллақилларингидир қорини тўғизадиган «дода» экан.

Мехмоннавоз ховлиларнинг эшикларини ланг очик. Кирди-чикдикки, божона ва чегара масқасининг шундоққина биқинида ховлилар бўлиб, у аллақачон карвонсаройга айланиб бўлган, ҳалиги бола қонунбузарликда кўзи қотган, аллақилларингидир қорини тўғизадиган «дода» экан.

Мехмоннавоз ховлиларнинг эшикларини ланг очик. Кирди-чикдикки, божона ва чегара масқасининг шундоққина биқинида ховлилар бўлиб, у аллақачон карвонсаройга айланиб бўлган, ҳалиги бола қонунбузарликда кўзи қотган, аллақилларингидир қорини тўғизадиган «дода» экан.

либ кўрган экан. Лекин ҳеч нарса ўзгармаганига лол қолдик.

Кўзимизни чирт юмиб кетавердик. Уша кўни ёмғир ёғаётганди. Лой кўчада шалабомиз чиқиб, ўзимиз бир ҳолда юриб-миз-у юқини судраган, оғир қопни зўрға кўтариб, чиранаётган, кўзларини олазарак аёлларга раҳимимиз келади.

Йўл бориб каттакан темир дарвоза олдида поёнига етди. Эшик олдида бир ўспирин турибди. У қайтганлардан кўртдай қилиб икки юз сўмдан санаб олмоқда. Бу дарвоза бир вақтлар қандайдир ташкилотчи бўлган, эндиликда қимдир «хусусий» қилиб олган кўринади. Бугунги кунда бу эшик юқсиз йўловчиларга «хизмат қиларди». Шу тобора денг бирдан йўл бошловчимиз — боғи болақай йўқолиб қолди. Сабаби — ана шу жойда хатоликка йўл қўйдиг-ов.

Фотоаппаратимизни машинада қолдирганимизни билиб, шेरимизни орқага қайтариб юборганимизни йўқотиб, назоратга тушиб қолдикмиким?

Эркин иш тутишдан ўзга чорамиз қолмади бу ёғи. Пинҳона йўл — карвон йўлига айланиб бўлганига чидаб

турулмадик. Шу жойга келганда яна журналистлигимиз тўғиб кетди. Ути-кайтди бўлаётган кўчада атай суратга тушишга қарор қилдик. Икки-уч бор уни эплдик ҳам. Шундагина автомат кўтарган, пинҳона йўлдаги савдогарларнинг келиш-кейтишини кузатиб турган чегарачилар диққати бизга қаратилди. Улар «суратчимиз», аниқроғи, дарвоқе юқорда айтган «губоимиз» Бахтиёр Бойбобоевнинг қўлидан фотоаппаратни юқиб олишди.

Бир зумда ҳамма оёққа қалққандай бўлди. Руксатсиз суратга олаётган «қонунбузар»лар шахсини аниқлашга киришилди. Утигидан ошиқ ховли орқали товар-моддий бойликлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб ётибди-ю, бир сержант уч нафар «жиноятчи» билан оворда. Ёмғир эзиб ёғаяпти, ивиб бўлдик, лекин улар қимирлашимизга қўйишмайдилар. Божоначилар ҳам шовиб қолишган. Ниҳоят, бизни «курорлисизлангилар» ҳолатда чегарачилар харбий қисми командирини ҳузурга келтиришди.

Барча иш қуролларимиз, хужжатларимиз сейфга тикилди. Ўша ерда тақдиримиз қандайдил бўлишини тўрт-беш соат кутдик. Сўнг Хўжабод тумани МХХ идорасига келтирилдик. У ерда чегарачилар тўғри йўл туганини айтиб, кетишимизга рўхсат беришди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Икки «тадбиркор»нинг иши юришмади. Бизни олиб келган хайдовчига келишилганидан кўпроқ хақ тўлаб, секингина ортага қайтдик. Биз бундан ҳеч ҳам ўқисганимиз йўқ. Ахир қанча ғаройиб воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. Уларни изоҳлашни эса газетхонлару мутасаддилар иҳтиёрига ҳавола қиламиз.

Тадбиркорликни уйда қилмаган журналистлар:

Кўрбон ЭШМАТ,
Самд АНВАР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!
ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, ВУ-300, ВУ-304-2 русумли тракторлар
корхонадан — тўғридан-тўғри ишлатувчиларга!

«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАЖ
сизларнинг истакларингиз, тақлиф-мулоҳазаларингизни ҳисобга олиб, мамлакатимиз минтақаларида ўзининг дилерлик тармоқларини ташкил этганилини маълум қилади.

Куйида кўрсатилган манзиллардаги дилерлик марказларига мурожаат этиб, майдонларда кўргазмага қўйилган техника воситалариндан сизга маълум бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Марказларнинг мутахассислари тракторларга сервис хизмати кўрсатиш буйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, каталогларни сизларга тақдим этишда ва зарур эҳтиёт қисмларни танлаб олиш юзасидан маслаҳатлар беришади.

№	Манзил	Дилерлик марказлари номи	Директорлар исми-шарифи	Телефонлари
I. Қашқадарё вилояти				
1.	731101, Косон шаҳри, Й.Охунбобоев кўчаси, 55-уй	ТТЗ — Косон-сервис «ТТЗ — ММТП» Фузор	Тўраев Ш.С., бош ҳисобчи Зарипов Соатмурод Малеевич	код 37559 32282, 32897 код 37555 22234, 21397
II. Сурхондарё вилояти				
3.	733000, Денов шаҳри, Остонакулов кўчаси, 107-уй	ТТЗ Сурхондарёсервис ММТП «Сариосиё» ММТП «Олтинсейр»	Чориев Абдусалом Гаффарович Эшонкулов Тўхтасин Хусанов Абдурахмон Шауманов Тура Шоуманович	код 37641 24801, факс: 21626 код 37641 31888 код 37647 51778, уй: 51578 код 37631 Шауманов Тура Шоуманович 22047
4.	733606, Саросиё шаҳри, Улуғбек кўчаси, 110-уй	ММТП «Олтинсейр»		
5.	733414, Олтинсейр тумани, Қорлуқ кўрғони, Охунбобоев кўчаси, 24-уй	ТТЗ «Олтинсейр»		
6.	Ангор тумани, «Талимарон» хўжалиги, 1-бўлими, «Корасув» маҳалласи	ММТП «Ангор»		
III. Хоразм вилояти				
7.	741600, Хонка шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 2-уй	Хоразм техника маркази Янгийбозор	Юсупов Маматсалой Қаландаров Қаддам	код 36239 91932, 92609 уяли: 1545062
8.	740008, Хонка тумани, У.Юсупов кўчаси			
IV. Жиззах вилояти				
9.	708000, Жиззах шаҳри, Лаврентьев шоҳкўчаси, 3-уй	Жиззах техника маркази	Жўраев Холмурод	код 37222 31821, 31526
V. Фарғона вилояти				
10.	713826, Фарғона тумани, Аввал кишлоғи	Фарғона техника маркази	Раҳмонов Маҳмуд Холматович	код 3732 255733
VI. Наманган вилояти				
11.	718003, Наманган шаҳри, Шимолий санаят зонаси, Поляковски к., 19-уй	Наманган вилояти техника маркази	Зиятов З.С.	код 36922 40764
VII. Қорақалпоғистон Республикаси				
12.	743700, Тўрқўл шаҳри, Рашидов кўчаси, 53-уй	Қорақалпоғистон техника маркази	Мадраимов Илҳомбой Давлатович	код 361 5323293 2214975 2211200

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ
танлов савдоси эълон қилади.

Объект номи
«Катта Андижон канални Катта Фарғона каналидан тўйинтирувчи канални 25 м³/с сув ўтказиш учун реконструкция қилиш (II-навбат) (Фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шарти билан).

Кўрилув мuddати — 92 кун. Болиянғич баҳоси — 46,2 млн. сўм.

Бўртмачиси — Фарғона вилояти 22-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

Манзил: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 92-уй. Тел./факс: 24-38-53, 24-82-77.

Курлиш ишлари Узбекистон бошлар спортини ривожлантириш жамағатиси

Фарғона филиали томонидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг ҳамиди 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилуш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга Банк кафолатномаси мажбурий, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўқаш объектларини қуриш буйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода катнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) буйича республика бошқармасининг Фарғона вилояти марказига қуйидаги манзил буйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй

(Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).

Тел./факс: 26-43-19, 26-82-93.

Бир шўнлам танлов ҳужжатлариёқини нархи — 50 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда оферталарини очиб қуриш ва вақтигача қабул қилинади. Тақлифлар очилишда эълон ишбулотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А» уй (Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги
«Бахеш-Фарм» фирмасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли
«Бахеш-Фарм» масбуляти чекланган жамиятига
айлантирилади. Шу муносабат билан даъволар 42-92-04
телефон рақами орқали қабул қилинади.

Винлад
Сделаем жизнь спокойнее!

ОБОРУДОВАНИЕ СИСТЕМ ТЕЛЕНАБЛЮДЕНИЯ

Panasonic SONY PELCO J&S

Системы охраны периметра, теленаблюдение, контроль доступа, охранно-пожарное оборудование, аудио- и видеомофони, UPS, металлодетекторы и др. оборудование.

Адрес: г. Ташкент, ул. Кувшин, 18. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13, тел./факс (998 712) 120-66-01.
e-mail: vinlad@sarkor.uz www.vinlad.com

Корхона шина маҳсулотларини тақлиф этади

ШИНА

ЮК МАШИНАЛАР УЧУН
АВТОБУСЛАР УЧУН
ТРАКТОРЛАР УЧУН
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН

Улгуржи нархларда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
(371) 137-10-14,
137-47-78, 137-47-31,
(3732), 24-77-84, 24-71-68.
Маҳсулот сертификатланган.

Корхона қурилиш молларини тақлиф этади

Улгуржи нархларда.

Россия, эни 1,5 м., 2 м.

Линолеум

Россия, Белоруссия, ҳархил қурилушларда

Гулкагофоз (БОБИ)

Германия НДМ корхонасида ишлаб чиқарилган

Ламинат

ва бошқа қурилуш материаллари.

ТЕЛЕФОНЛАР:
(371) 136-17-12, 68-53-43, 137-48-76,
(3732) 24-82-00, 24-92-74.
Маҳсулот сертификатланган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Дипхоризхизмат» бошқармаси жамоаси бошқарма ходими Алишер Ҳамроевга отаси **Олим ҲАМРОЕВИН** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Камолитдин Беход номидagi миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Меъморий ёдгорликлар баъзагини таъмирлаш кафедраси ўқитувчиси **Нажот Исмоилович АХМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризиев, А. Сайдов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буғюрта Г - 572 29008 нуусхала босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Об'ект усулида босилган.
Қотип бичими А-2

Газета ИВМ компьютерла тарвали ва оператор Жамед Тўшев ва Баҳоудин Файзуев томонидан саҳифаланди.

Таҳриратда ҳақни 5 қотанда эиёл матбуотлар қабул қилинади.
П-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳанидов.
Набатчи муҳаррир — В. Эгамқулов.
Набатчи — С. Ҳайдаров.
Муасхих — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5